

БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА МЕТОДИК ТАЙЁРГАРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИК ЗАРУРАТИ

Тошболтаев Фахриддин Ўринбоевич

ФарДУ таянч докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6785624>

Аннотация. Мазкур мақолада бўлажак ўқитувчиларнинг методик тайёргарлигини ривожлантиришнинг ижтимоий-педагогик зарурати, инновацион методик фаолиятни йўлга қўйишнинг таълим сифатига таъсири ҳамда тизимни такомиллаштиришнинг ижтимоий аҳамияти тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: таълим, методика, ўқитувчи, бўлажак ўқитувчи, методик тайёргарлик, таълим сифати, тизим.

СОЦИАЛЬНО-ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ НЕОБХОДИМОСТЬ РАЗВИТИЯ МЕТОДИЧЕСКАЯ ПОДГОТОВКА В БУДУЩИХ УЧИТЕЛЯХ

Аннотация. В данной статье исследуется социально-педагогическая необходимость развития методической подготовки будущих учителей, влияние инновационной методической деятельности на качество образования и социальная значимость совершенствования системы.

Ключевые слова: образование, методика, учитель, будущий учитель, методическая подготовка, качество образования, система.

METHODOLOGY IN FUTURE TEACHERS

SOCIO-PEDAGOGICAL NECESSITY OF DEVELOPMENT OF PREPARATION

Abstract. In this article, the socio-pedagogical necessity of developing methodical training of future teachers, the impact of innovative methodical activity on the quality of education and the social significance of System Improvement are investigated.

Keywords: education, methodology, teacher, future teacher, methodical preparation, quality of education, system.

КИРИШ

Бугунги кунда бўлажак педагогларнинг методик тайёргарлигини ошириш, уларнинг педагогик фаолиятига инновацион ёндашувларни олиб кириш масалалари долзарблик касб этмоқда. Чунки педагогнинг методик тайёргарлиги пухта бўлса, таълим сифати ва педагогик жараён самарадорлигига эришиш мумкин бўлади. Зеро, “янги Ўзбекистон стратегиясининг мустақкам таянчи ва суянчи бўладиган тарихий-маънавий омил, яъни бизнинг энг катта бойлигимиз – халқимизнинг улкан маданий мероси, интеллектуал салоҳияти мавжудлигидир. Жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилаётган ушбу илмий-маънавий мерос дунё маданияти ва маънавияти тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшилгани маълум. Айнан ана шу омил Янги Ўзбекистон пойдеворини яратишда, илм-фан, маънавий ва маданий фаолият, таълим-тарбия соҳаларини кенг ривожлантириш ва янги босқичга олиб чиқиш учун асос бўлмоқда”[1]. Умуман олганда, ҳар қандай жамиятнинг истиқболли цивилизацияси унинг таълим-тарбия мақомига, янги таълим тизими таркиби ва моҳиятига, теран маърифий маданиятига боғлиқ. Зотан юксак таълим-тарбия даражасигина жамиятнинг, давлат ва миллатнинг келажагини

таъминлайдиган, дунё узра нуфузини белгилайдиган ягона омил ҳисобланади. Ҳозирги кунда жамиятимиз олдидаги ягона мақсад инсонпарвар, инсон қадрини улуғлунадиган жамиятни барпо этиш, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий ривожланишнинг юқори босқичларига кўтариш, жаҳон ҳамжамияти сафидан муносиб ўрин эгаллашга йўналтирилган эзгу мақсадларни амалга оширишга хизмат қилади.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Таълим тизимидаги замонавий ўзгаришлар, ўқитувчининг методик тайёргарлик ва касбий қобилиятини изчил ва мунтазам ривожлантиришни тақозо этмоқда. Методик тайёргарлик – таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этишнинг шакл, метод ва воситаларини билиш, ўзлаштириш, амалда қўллаш, фаолият натижаларини квалитетик таҳлил эта олиш, баҳолаш, илғор халқаро педагогик тажрибаларни ўрганиш, ўқув жараёнини лойиҳалаш, муваффақиятли амалга ошириш кўникмаларидир.

“Методик тайёргарлик” тушунчаси моҳиятини очиб берувчи таъриф ва илмий тадқиқотларни кўриб чиқсак, рус тилидаги илмий адабиётларда “методика” атамаси биринчи марта 1783 йилда Ф.И.Янковичнинг ишларида учрайди.

Тайёргарлик атамаси эса, С.И.Ожегов ва Н.Ю.Шведовнинг изоҳли луғатида куйидагича талқин қилинади: 1) бирор бир нарса учун зарур бўлган билимларни ўрганиш, шакллантириш; 2) биро киши эгаллаган билимлар⁵⁶. Демак, тайёргарлик – таълим жараёни ва унинг натижасидир. Бунда ўқитиш инсонга таълим бериш мақсадида ёки унинг маълум касбий ихтисосини эгаллаш мақсадида амалга ошириши мумкин. Биринчи мақсадга эришиш аввало маълум билимлар тизимини ва шахсий хусусиятларни шакллантиришни назарда тутуади. Иккинчи мақсадда кўпинча касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган кўникма ва малакаларни шакллантириш орқали эришилади.

Рус олими В.В.Малев замонавий методик тизимнинг характерли хусусиятларини куйидагича: “таълим жараёнини илмий асосда режалаштириш лозимлиги; назарий ва амалий тайёргарликнинг уйғунлиги ва бирлигига эришиш; ўқув материални тез суръатда, юқори даражада ўргана олиш; юқори фаоллик ва талабаларнинг етарлича мустақил фаолиятига эришиш; индивидуал ва гуруҳли фаолиятнинг ўзаро бирлиги таъминланиши; ўқув жараёнининг техник воситалар билан тўлиқ таъминланганлигига эришиш; турли фан, мавзуларни ўрганишда комплекс ёндашувнинг таъминланиши”^[2] сифатида таснифлайди ва таърифини шакллантиради.

Методик ишлар маълум маънода, уни индивидуализация ва дифференциацияси шароитларида илмий-методик жиҳатдан такомиллаштириш бўйича ўқитувчилар талабларини қондириши мумкин. Методик ишларни ташкил этиш дифференциаллашган асосда қатор объектив ва субъектив омилларга асосланган, энг аввало, ҳаётий ва профессионал установакалар, қадриятли йўналганлик, тажриба ва ўқитувчиларнинг профессионализмни илмий-методик тайёргарлигини такомиллаштириш ишлари бўйича ҳаётий заруратлар ҳисобга олинади.

Тадқиқотчи олим Ш. Ибрагимова фикрича, методик тайёргарлик – “педагогик жараённи методик жиҳатдан оқилона ташкил этиш, таълим ёки тарбиявий фаолият шакллари тўғри белгилаш, метод ва воситаларни мақсадга мувофиқ танлай олиш, методларни самарали қўллаш олиш, воситаларни муваффақиятли қўллашни англади”^[3]. Бундан ташқари, В. А. Адольф ва В. А. Слостениннинг фикрига кўра, методик

компетентлик аниқ ифодаланган амалий хусусиятга эга ва ўз моҳиятига кўра у ёки бу фанни ўқитишнинг аниқ куриш масалалари бўйича кенгайтирилган билимлар тизимини акс эттиради[4]. Бунинг учун эса, педагогик жараёнларни замонавийлаштириш талаб этилади.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Педагогик янгиликларни замонавийлаштириш янгиланаётган жараённинг таркиби ва технологиясини замон талаблари асосида турли такомиллаштиришларни киритиш йўли билан ўзгартиришга қаратилган бўлади.

Ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида фаолият кўрсатаётган касб эгаларининг ўзига хос касбий кўникмаларга эга бўлиши бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга методик тайёрлашга эътибор қаратилиши лозимлигини белгилайди. Педагог олим Ш.Ураковнинг хулосаларига кўра, “бўлажак ўқитувчиларни инновацион тайёрлаш даврлари генезисида ўқитишнинг қуйидаги усуллари характерлидир: 1) Савтия усули; 2) Жамоа усули; 3) Жадид усули; 4) Синф-дарс усули; 5) Лойихалаштиришга асосланган, натижаларга кафолатли эришишга йўналтирилган технологик ёндашув. Мазкур таълим технологиялари бир-биридан прогрессивлиги билан фарқ қилиб, бир-бирига нисбатан янги, инновацион технология ҳисобланади, хусусан, савтия усулига нисбатан жамоа усули, жамоа усулига нисбатан жадид усули инновацион ва ҳ.к. Ўқитувчиларни тайёрлаш соҳасида олиб борилган илмий тадқиқотларда илгари сурилган ўқитувчи касбий профессиограммаларининг таҳлили ҳамда жамиятнинг ўқитувчилик касбига қўяётган талаблари асосида педагогик олий таълим муассасалари битирувчисининг сифатлари ишлаб чиқилди”[5]. Замонавий педагогика магна шундай анъанавий дарс методикасини ахборот технологиялари билан интеграциялашни талаб этмоқда.

Замонавий педагогикада ўқитувчининг методик тайёргарлигининг натижаси таълим сифатигагина эмас, шахсни тарбиялашга ҳам қаратилганлигидир. Педагогика фанлари доктори Б.Рахимов илмий тадқиқотда касбий маданий муносабатлар тизимини яратиб, уни педагогик амалиётда қўллаш мазмун моҳиятини асослаб берган ва қуйидаги фикрларни билдирган: “Бугунги талабада, айниқса ўқитувчида ҳар иккала муносабатнинг, яъни касбий-маданий муносабатларнинг уйғун ва изчил бўлиши ижтимоий ҳаётнинг эҳтиёжи ҳисобланади”[6]. Бошқа бир олим Н.Муслимов ўзининг илмий излари асосида қуйидаги фикрларни баён этади: “Шахсда касбий сифатларнинг мавжудлиги унинг мутахассис сифатида шаклланганлик кўрсаткичи орқали ифодланади. ... Мутахассиснинг касбий фаолиятини ташкил этиш жараёни маълум босқичларда кетма-кетликда амалга оширилади”[7]. Яна бир олима, педагогика фанлари номзоди С.Бозорова ўзининг “Олий таълимда касбий- йўналтирилган ўқитиш технологияси” монографиясида методик тайёргарлик ва технологик ечимга қуйидагича таъриф беради: “Таълим оловчиларда уларнинг бўлажак касбий фаолияти учун муҳим шахсий сифатларни, шунингдек, вазифаси бўйича функционал мажбуриятларни бажаришни таъминлайдиган кўникма ва малакаларни шакллантирадиган технология тушунилади”[8]. Чунки жамиятимизнинг янги ривожланиш босқичида фақатгина ўз мутахассислигини яхши биладиган, тор соҳа билан ихтисослашган кадрни эмас, етук шахс сифатида ўзининг касбий компетентлигини намоён қила оладиган, фуқаролик позициясини ўзининг сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий билим ва қарашлари тизими билан ҳам кўрсатиб бера олдаиган инсонни тарбиялаш ҳамдир. Бу бежиз эмас, чунки барча ижтимоий муносабатлар йиғиндисидан иборат бўлган шахснинг ижодий фаолиятини

ривожлантириш, ишга солишнинг янгидан-янги йўллари ва имкониятларини кидириб топмасдан, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириб бўлмайди. Инсоният тараққиётининг турли босқичларида ижтимоий ҳаёт учун энгмуҳим вазифалардан бири – шахснинг сиёсий ижтимоийлашуви жараёнини амалга оширишдир. Бошқача қилиб айтганда, инсоннинг ижтимоий ҳаёти, унинг сиёсий жараёнларда иштирок этиши ва мавжуд сиёсий тузум билан ўзаро муносабатда бўлиши, мафкура ва қонунчилик, маънавий қарашлар ва кадриятлар тизимини ўзлаштириб бориши ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаракатларда, жамоатчилик ишларида иштирок этиши ва жалб этилиши жараёнида амалга ошиб боради. Ўз навбатида, ижтимоий ҳаётга қадам қўйган янги авлоднинг ижтимоийлашуви, жамият ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар узлуксизлигини ва ижтимоий тараққиётнинг ворисийлигини таъминлайди. Бу эса, давлат билан фуқаролар ўртасидаги ўзаро муносабатлар мутаносиблиги эришувига имкон беради ҳамда мавжуд тузумнинг барқарор ривожланишини кафолатлайди.

Бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашнинг методик тизимини ишлаб чиқиш учун куйидагилар аниқланди:

1. Методик тизимнинг мақсади жамият ва давлат таълим стандартидан келиб чиқиб аниқланади ва у таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи мақсадларга бўлинади:

– **таълимий мақсадга** мутахассисликка оид назарий билимларни ўрганиш, уни аниқ амалий фаолиятда қўллаш, педагогик фаолият олиб бориш ва педагогик онгни шакллантириш кабиларни киритамиз. Олий таълим тизимида ўқув режада кўрсатилган ҳар бир фанга оид билимларни ўрганиб бориш жараёнида бу мақсадга босқичма-босқич эришиб борилади;

– **ривожлантирувчи мақсадга** олий таълимда ўрганилган мутахассисликка оид билимларни ўрганиб бориб, бошланғич касбий фаолиятни педагогик маданиятга айлантириш лозимлигини тушуниб етиш, илмий, услубий фикрлаш ва касбий тезкор ҳаракатни ривожлантиришга ўргатиш кабиларни киритишимиз мумкин;

– **тарбиявий мақсадга** талабаларда миллий ва умуминсоний кадриятларни ривожлантириш, педагогик «Мен»нинг шаклланишини таъминлаш кабилар кирди. «Мен – ўқитувчиман», «Мен – тарбиячиман» ғояси асосида бўлажак информатика ўқитувчисини тарбиялаш педагогик фаолиятдаги кадриятларни рағбатлантириш, талабаларда намунали ўқитувчи бўлишга рағбат ва мотивация ҳосил қилади»[9]. Демак, бўлажак ўқитувчиларни тарбиялашда уларга психологик таъсир кўрсатиш ва шу орқали миллий тарбия кадриятларини ҳам сингдириш мақсадга мувофиқ иш бўлади.

2. Методик тизимнинг мазмуни асосини таълим модуллари, ўқитиладиган фанларнинг мазмуни, ўқув-методик таъминотлари ташкил этади. “Бугунги ахборот-коммуникация ва педагогик технологиялар ривожланиб бораётган даврда таълим мазмунини ривожланган мамлакатлар таълим мазмуни билан солиштириб, давр билан ҳамоҳанг янгиланган бориш ва талабаларга ўз вақтида етказиб бериш лозим”[9]. Демак, мана шу методик тизим замонавий ахборот технологиялари имкониятлари билан таъминланиши ва таълим самарадорлигига ҳизмат қилиши лозим.

3. Педагогик адабиётларда кўрсатилган таълим тамойилларига қўшимча равишда танлаш ва тартиблаш тамойилидан фойдаланиб, маълум таълим шакли (маъруза, амалий, лаборатория, семинар ва ҳ.к.)да, таълим методи (замонавий педагогик технологиялар) ва

воситалари (ахборот-коммуникация технологиялари)дан фойдаланиб таълимни олдиндан кутилган, лойиҳалаштирилган натижасига эришиш, таълим натижаси мониторингини олиб бориш, назорат қилиш, ташхислаш ва тўғрилаб боришимиз керак бўлади[9]. Бу жараён таълим тамойиллари бўлган илмийлик, тизимлилик, тушунарлилик, кўргазмалилик, фаолликка асосланади.

Рус олимлари Б.М.Смирнов ва Н.Л. Пономарев фикрларига кўра, таълим жараёнига киритиладиган янгиликларнинг педагогик қонуниятлари сифатида қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

-таълим хизматлари бозоридаги рақобатнинг кучайиши, таълимнинг фан ва амалиёт билан интеграциясига мос равишда таълим мазмуни ва методларида инновацион компонентнинг ўсиши;

-билимлар эскириш жараёнининг тезлашиши ва бу билан боғлиқ ҳолда таълимнинг фундаменталлашиш, ўзгариш тезлиги ва миқёсининг ўсиши;

-педагогик инновациялар шароитида педагогик жараён барқарорлигининг вақтинчалик издан чиқиши;

-педагогик янгиликларни билимларни ўзлаштириш жараёни методларидан инновацион қобилиятларни шакллантириш жараёни ва методларига қараб қўйналтириш;

-фанлараро ва бир нечта фанларда қўлланиладиган педагогик инновацияларнинг пайдо бўлиши ва аҳамиятини ортиши;

- ўқув фанларининг махсус педагогик инновациялардан интеграллашган янгиликларга ўтиши

- илмий-педагогик янгиликларни кўчиришнинг пайдо бўлиши, миқёсининг ўсиши ва ролининг ортиши, янги билимларни ўқув жараёнига қўллаш ва мос равишда фан ва педагогик амалиёт орқисидаги узатиш бўғинларини кучайтириш[10]. Мазкур омиллар бўлажак ўқитувчиларнинг методик тайёргарлигини ривожлантириш заруратини ортириб юбормоқда.

МУҲОКАМА

Бўлажак ўқитувчиларни инновацион касбий-методик фаолиятга тайёрлаш жараёнида уларнинг умуммаданий даражаси, ихтисослик билимлари ҳамда шахсий фазилатлари уйғунлигини таъминлаш муҳим методологик аҳамиятга эга бўлади. Шу боис ўқув режаларида барча билимларга оид фанларни интеграциялаш зарурати туғилади. Демак, инновацион касбий-методик фаолият назариясини ўқитишда фанлараро алоқаларни мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият берилиши тақозо қилинади.

Янгилик илмий педагогик тадқиқотлар ва илғор педагогик тажрибалар учун бирдек аҳамиятга эга бўлган мезондир. Инновацион фаолиятни амалга ошироқчи бўлган ўқитувчи учун тавсия этилаётган янгиликнинг моҳияти нимада, унинг янгилик даражаси қандай эканлигини аниқлаш муҳим. Ҳар бир алоҳида олинган ўқитувчининг психологик хусусиятлари, хоши-иродасидан келиб чиққан ҳолда уни инновацион фаолиятга жалб қилиш лозим, чунки ким учундир янгилик бўлган, бошқа биров учун бундай бўлмаслиги мумкин. Педагогик инновациялар самарадорлиги мезонларидан оптималлик – таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг натижага эришишдаги восита ва кучлари сарфини билдиради. Таълим жараёнига педагогик инновацияларни қўллаш ва юқори натижага эришишда энг кам жисмоний, ақлий ва вақт сарфи унинг оптималлигини билдиради[11].

Бўлажак ўқитувчиларни методик тайёргарлигини оширишда мустақил фикрлаш, ижодий қобилиятларни ривожлантириш мақсадида янги педагогик технологиялар, ўқитишнинг интерфаол усулларида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, шахсга йўналтирилган таълим, ҳамкорлик педагогикаси, кичик гуруҳларда ишлаш усуллари, таълим технологиялари сама-радорлигини янада ошириш учун замонавий ахборот коммуникацияларини кенг жорий этиш яхши натижа бериши мумкин. Машғулотларда таълимнинг янги шаклларида ўринли фойдаланиш, жумладан, интернет-форумлар, экспертлар иштирокида давра суҳбатларини ўтказиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Педагогик тадқиқотлар асосида, инновацион методик фаолиятнинг биринчи таркибий қисми аксиологик, иккинчиси – интеллектуал, учинчиси - функционал асосларни ўзи ичига олади ва уларнинг тизимий фаолият кўрсатишидан иборатдир. Янгича касбий-методик фаолиятнинг аксиологик асосини инновацион фаолиятга оид ғоялар, ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрлар, анъаналар ташкил қилади. Унинг интеллектуал компоненти янгилик яратиш ва жорий этиш билан боғлиқ назариялар, концепциялар, яхлит таълимотлар, эмпирик билимлар ва инновацион ахборотларни ўз ичига олади. Мазкур ижтимоий маданий тизимнинг функционал компоненти янги ғояларни конкрет амалий ечим, технология ёки моддий ашёга айлантириш ва уни амалий фаолиятга татбиқ этишга қаратилган тажриба, алоҳида қобилият, кўникма ва малкалардан ташкил топади. Инновацион касбий-методик фаолиятнинг бу компонентлари ўзаро боғланган бўлиб яхлит ижтимоий-маданий тизим сифатида шаклланади ва ривожланади. Бу ижтимоий маданий тизимнинг асосий вазифаси жамиятнинг ўз-ўзини ташкиллаштириш, ўз-ўзини ривожлантириш лаёқатини юзага келтириш билан унинг доиравий айланма тарзидаги ҳаракатини таъминлаш ва ривожлантиришдан иборатдир.

Табиийки, бу муҳим вазифалар ечимини топиш кўп жиҳатдан таълим тизимининг янгича замонавий мақсадларга йўналтирилганлиги билан узвий боғлиқдир. Жамиятнинг янги тараққиёт босқичида замонавий таълим тизимида шундай вазифаларни бажаришга қаратилган муҳим маънавий-маърифий муҳит шаклланимда ва ривожланиб бормоқда. Бу жараёнда замонавий таълим концепциясининг ўрни бекиёсдир.

Бўлажак ўқитувчиларни методик тайёргарлигини оширишда, уларга мотивацион муносабатни ўрнатиш, шу билан бирга уларда методик тайёргарликни оширишга, касбий юксалишга мотивларни шакллантириш долзарб вазифалардан биридир. Мотивация – мотивларнинг ҳаракатланиш жараёни, инсонни асосий фаолиятга ундовчи мотивлар йиғиндиси. Мотив эса французчадан таржима қилинганда, ундовчи куч, сабаб деган маънони билдиради.

Бўлажак ўқитувчиларда методик тайёргарликни ривожлантиришда педагогик омилларнинг етакчилигини ҳам алоҳида эътироф этиш зарур. Мазкур омиллар юқорида баён этилган ижтимоий-сиёсий, миллий-маънавий ва психологик омилларни яхлитликда ўзида ифода этиши билан ҳам характерлидир. Методик тайёргарликни ривожлантиришда ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш ҳамда интерфаол таълим шароитида ўқитувчи фаолиятини модернизациялаш муҳим ўрин тутади.

Янгиланаётган Ўзбекистонда бугунги педагогик жараён миллий тарбия анъаналари устига қурилиши, шубҳасиз. Ана шу жиҳатдан Ўзбекистон умумий ўрта таълим

мактабларида миллий тарбияни ташкил этишнинг илмий-педагогик асосларини илк бор тадқиқ этган олим М.Қуроновиқнинг фикрлари диққатга сазовордир. «Миллий тарбия» тушунчаси кўп қиррали қамровга эгадир: миллий кадриятлар асосида олиб бориловчи мақсадга йўналтирилган тарбиявий фаолият; умуминсоний тарбиянинг ҳар бир халққа хос ва мос бетакрор шакли; халқ ва унинг маданиятини сақлаб қолиш, тиклаш ва ривожлантириш воситаси; Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мақсад, вазифа ва тамойилларининг таркибий қисми; турли миллатлар болаларини ҳар томонлама ривожлан-тириш жараёнининг хусусий, маънавий манбаи; ўқувчиларни ахлоқий, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, гўзаллик, иқтисодий, экология ва бошқа йўналишларда тарбиялашнинг бош тамойили; миллатларо мулоқот мадания-тини тарбиялаш ва бунинг натижасида Ўзбекистонда умумфуқаровий тотувликка эришишнинг инсонпарварлик йўли ва воситаси; ижтимоий тарбия ва мактаб тарбияси уйғунлигининг педагогик шарти; инсониятни умумбашарий уйғунликка олиб боришнинг педагогик йўли; ижтимоий маънавий жабҳада миллий хавфсизликни таъминлашнинг стратегик объекти ва воситаси; ўқувчиларда миллий стереотипларни мақсадли шакллантириш, маънавий бойитиш жараёни эканлиги шундан далолат беради[12].

ХУЛОСА

Бўлажак ўқитувчиларнинг методик тайёргарлигини ривожлантириш ва бу орқали таълим сифатига ва кадрлар тайёрлаш тизими смарадорлигига эришиш долзарб вазифа бўлиб турибди. Чунки таълим сифати тўғри ташкил этилган ва салоҳиятини кўрсатиб бера оладиган ўқувчига ва маърифатни кадрлайдиган ижтимоий муҳитга боғлиқдир. Шундай экан бундай омиллардан ўз ўрнида фойдланиш учун ҳам тўғри ва стратегик йўналтирилган методик тайёргарлик тизими керак бўлади. Шу боис ҳам аввало ўқувчиларнинг методик тайёргарлигини ривожлантириш устуворлик касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш. М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Тошкент.: Ўзбекистон. –Б. 34-35.
2. Малев В.В. Общая методика преподавания информатики. Учебное пособие. - Воронеж: ВГПУ, 2005. -С. 271с. <http://hosting.vspu.ac.ru/~mvv/mpi/mpi-uch.htm>
3. Ибрагимова Ш.О. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида методик компетентликни ривожлантиришга инновацион ёндашув. “Таълим ва инновацион тадқиқотлар” журнали 2021 йил №3. –Б. 178.
4. Слостенин, В.А. Введение в педагогическую аксиологию. – Москва.: Издательский центр «Академия», 2003. – Б. 78.
5. Ураков Ш.Р. Олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашнинг компетент ёндашувга асосланган педагогик тизимини такомиллаштириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори автореферати. –Самарқанд.: СамДУ. 2018. –Б. 11.
6. Рахимов Б.Х. Бўлажак ўқитувчида касбий-маданий муносабатларни шакллантириш тизими. Тошкент.:Фан. 2005 –Б. 14.
7. Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари. Пед.фан док. Дисс... афтореферат. Тошкет.: 2007. –Б.132.
8. Бозорова С. Олий таълимда касбий-йўналтирилган ўқитиш технологияси. Монография. Тошкент.: -Б.70.

9. Каюмова Н. Педагогик ва ахборот технологиялари интеграциясида информатика ўқитувчиси тайёрлашнинг методик тизимини ишлаб чиқиш. *Замонавий таълим журнали*. 2018. №4. –Б. 35-39.
10. Смирнов Б.М, Пономарев Н.Л. Закономерности образовательной инновации // *Инновации и образовании*. –Москва, 2003. -№ 4. –С. 4-19.
11. Юсупова Д.И. Рахмонов И.Я. Бўлажак математика ўқитувчиси методик тайёргарлигини ривожлантиришнинг илмий-назарий асосли. –Тошкент.: Tafakkurqanoti, 2018. –Б. 17.
12. Куронов М. Миллий тарбия. – Тошкент.: Маънавият, 2007. –Б. 6-7.
13. Bakhromovich SI. The impact of managerial professional development on the effectiveness of Higher Education institution management. *Academicia: an international multidisciplinary research journal*. 2020;10(12):1014-20.
14. Siddikov, I. B. (2019). Философско-педагогические аспекты развития интеллектуальной культуры студентов. *Вестник Ошского государственного университета*, (3), 38-42.
15. Bakhromovich, S. I. Development trends and transformation processes in academic mobility in higher education in Uzbekistan and the world.
16. Bakhromovich, S. I. (2021). A comparative induction of the epistemological and theological views of medieval Islamic oriental scholars. *Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities*, 1(1.7 Philosophical sciences).
17. Bakhromovich, S. I. (2021). Views on the role of science in human and society life in islamic teaching. *International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences*, 1(3), 79-86.
18. Bakhromovich, S. I. (2020). Effects of Objective and Subjective Factors to Develop Intellectual Culture of Youth. *Canadian Social Science*, 16 (2), 55-59 p.
19. Bakhromovich, S. I. (2018). Social and philisophical performance of making youth's intellectual culture. *European science review*, (7-8).
20. Bakhromovich, S. I. (2020). Analysis Of Modern Approaches To Ensuring The Effectiveness Of Management In Higher Education Institutions. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 2(12), 364-369.
21. Bakhromovich, S. I. (2021). Philosophical comparative studies of the epistemological and theological views of medieval eastern scholars. *Turkish Journal of Physiotherapy and Rehabilitation*. Turkey, 2021. №32 (3), (Scopus) – P. 30338-30355
22. Bakhromovich, S. I. (2022).Dialectical and synergetic features of the development of theological and epistemological views in medieval eastern islam. *European Journal of Humanities and Educational Advancements (EJHEA)*, - Las Palmas, Spain, Volume 3, Issue 2 February, 2022. – P. 79-83.